

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг ташқи ва ички сиёсатининг устувор йўналишларининг илмий-амалий ёндошувларини ва ёшлар таълими бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 2017 йил 21 сентябрь куни **“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси: ташқи сиёсат, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаоллият”** мавзусида республика ёш олимларининг VII илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Конференцияда ЖИДУ, ТДҶОУ, ТошДШИ, ТошДИУ, ЎзМУ, Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминистер университети, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ва бошқа олий таълим муассасаларининг ёш ўқитувчилари, докторантлари, магистрантлари ва талабалари ҳамда Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва “Тараққиёт стратегияси” маркази вакиллари иштирок этиши режалаштирилган.

Конференциянинг мақсади: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги устувор масалаларини таҳлил қилиб, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Конференциянинг асосий йўналишлари:

- Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги Ўзбекистон Республикаси ташқи фаолиятини кенг ёритиш ва муҳокама қилиш;

- давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, республикаимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар каторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва ахил кўшничилик муҳитини шакллантириш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига ҳолис ахборот етказиш;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

- халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш;

- Марказий Осиёда минтақавий ҳавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари.

Конференция материаллари тўпламига топшириладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар:

мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, илмий таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

тақдим этилаётган мақолалар соҳа бўйича камида 1 та етук мутахассиснинг тақризи билан қабул қилинади;

ҳар бир мақола диққат билан таҳрир қилинган ва муаллиф томонидан имзоланган бўлиши шарт;

конференция материаллари ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши мумкин;

мақолалар А-4 ўлчовдаги қоғозга, юқоридан ва pastдан 2 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1 см. жой қолдириб, 1 нусхадан расмийлаштирилади. Мақоланинг номи,

1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми, отасининг исми ва фамилияси бош ҳарфларда ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб, матннинг мазмуни 1,5 интервалли қаторларда, Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталигида ёзилади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати матн охирида берилди. Мақолалар 6-7 бет ҳажмда бўлиши лозим.

Мақолаларнинг электрон варианты ilmiy_bulim@uwed.uz электрон манзилига юборилиши мумкин. Бунда мақолага берилган тақриз имзоланган ва ташкилот муҳри қўйилган ҳолда PDF форматда тақдим қилилиши керак.

Мақолалар 2017 йил 15 сентябрга қадар қабул қилинади.

Экспертлар томонидан конференция талабига мос келмайди деб топилган мақолалар айжуман материаллари тўпламига киритилмайди.

Ташкилий кўмига манзили: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 100077. Тошкент шаҳар, Муस्ताқиллик шоҳ кўчаси, 54-уй, тел: 267-07-07, e-mail: ilmiy_bulim@uwed.uz.